O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.N

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 18 январь, № 12 (3557) Сешанба

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайловга оид қонунчиликда кўзда тутилганидек, мамлакатимиз бўйлаб сайлов кампаниясининг навбатдаги муҳим босқичи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови бошланди.*

## СЕНАТГА САЙЛОВЛАР БОШЛАНДИ

17 январь куни Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Жиззах, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг қўшма мажлислари бўлиб ўтди.

Уларда мазкур давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларидан ҳар бир ҳудуд бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига олти нафардан вакил сайланди. Яширин овоз бериш қонунда ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Низомда белгиланган тартибда амалга оширилди.

Қўшма мажлисларда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари иштирок этди.

**(ЎзА).**

## СЕНАТ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНАДИ?

***Мамлакатимизда 2004 йил 26 декабрда бўлиб ўтган сайлов ва 2005 йил 9 январдаги такрорий овоз бериш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар тўлиқ сайланди. Сайлов ва такрорий овоз бериш жараёнида маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам сайланди. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунчиликда кўзда тутилган навбатдаги муҳим босқич — Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш учун тегишли асос мавжуд.***

***Янги Парламентнинг юқори палатаси — Сенат қандай шакллантирилади?***

— Аввало, шуни таъкидламоқ лозимки, — деди Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Сайёра ХЎЖАЕВА ЎзА мухбирига, — Конституциямизда ва сайлов тўғрисидаги қонунчилигимизда икки палатали парламент, жумладан, Сенатни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари пухта белгилаб қўйилган.

Асосий Қонуннинг 77-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, у Сенат аъзоларидан, яъни сенаторлардан таркиб топади. Бу конституциявий қоиданинг ҳуқуқий кўлами "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонунда янада кенгайтирилган.

Ушбу Қонуннинг 50-моддасида белгиланганидек, Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти нафардан сайланади. Бунда Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Сенатнинг ваколат муддати — беш йил.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида, давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган обрўли фуқаролар орасидан тайинланади. Айтиш жоизки, ушбу ҳуқуқий меъёр сайловга оид халқаро андозалар талабига тўла мос.

Шунингдек, Сенатга сайлов ўтказиш муддатлари, Сенат аъзолигига сайланадиган номзодларга қўйиладиган талаблар, давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисининг ваколатлилиги, қўшма мажлисни чақириш, Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш, овоз беришни ўтказиш, Сенат аъзоларининг сайлови бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш каби принципиал масалалар юқоридаги Қонунда аниқ белгилаб қўйилган.

Сайлов кампаниясининг навбатдаги муҳим ва масъулиятли босқичи — Сенатни шакллантиришда ана шу Қонун доирасида иш кўрилади.

**— Сенатни шакллантириш билан боғлиқ жараёнларда Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилаётган ташкилий ишлар хусусида қисқача тўхталсангиз.**

— Марказий сайлов комиссиясининг Ҳаракатлар дастури ва Календарь режасида қонун талабларини рўёбга чиқариш борасида бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Бу вазифаларни бажариш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқилган. Мазкур Низом Сенат сайлови бўйича қонун талаблари ижросини таъминлаш учун янада кенгроқ имконият яратишга йўналтирилган. Комиссиянинг бу борадаги тегишли қарори жойларга етказилди.

Маълумки, Марказий сайлов комиссиясининг 2004 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган эди.

Ўтган ҳафтада жойларда янги сайланган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг биринчи ташкилий сессиялари бўлиб ўтди. Шу кунларда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари

(Давоми 2-бетда).



*Тажрибали деҳқонлар қиш дам олиш фасли эмас деган нақлга қатъий амал қилишади. Улар ушбу қоидага биноан қиш пайтида далаларга маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш, техникани таъмирлаш ва ерларнинг шўрини ювиш ишлари билан шуғулланишади. Хатирчи туманидаги Охунбобоев номли фермер хўжаликлари уюшмасида мазкур юмушларга алоҳида эътибор берилпти. Айниқса, техника таъмирига жиддий киришилган. Шу боис ҳозиргача мавжуд техника воситаларининг асосий қисми сифатли таъмирдан чиқарилди. Бу ишларни амалга оширишда тажрибали механизатор Нурали Ҳаитов бошқаларга ўрнак бўлмоқда.*

**СУРАТДА: тажрибали механизатор Нурали Ҳаитов.**

**Аҳмаджон ЭЛМУРОДОВ олган сурат.**

## «Сурхончигит» ишончни оқламоқда

Бундан ўн йилча муқаддам қишлоқ хўжалиги корхоналарини сара уруғлик билан таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, «Сурхончигит» корпорацияси ташкил этилган эди. Бу корпорация ўз олдига қўйилган вазифани бажариши учун, аввало, Грециянинг «ЕМКАТ С.А» компанияси иштирокида «Олтин чигит» ўзбек-юнон қўшма корхонасини очди. Шартномага асосан, «Сурхончигит»га 2 миллион 200 минг сўмлик янги технология келтирилди. Дастлабки йили мазкур корхонада 1000 тонна уруғлик чигит туксизлантирилган бўлса, 2004 йилга келиб, бу кўрсаткич икки баравар кўпайди.

— Бунга қўшимча биз 8782 тонна уруғлик буғдойни ҳам қайта ишладик, — дейди қўшма корхона директори Дилмурод Аллабердиев. — Бир йиллик даромадимиз икки миллиард саксон миллион сўмга, соф фойдамиз эса саксон беш миллион сўмга етди.

Айни чоғда корхонада 170 нафар ишчи-муҳандис меҳнат қилмоқда.

— Бизга нима керак? Ширин гап, илиқ муносабат, тотув муҳит муҳим, — дейди ишчи Бахтиёр Маматқулов. — Буларнинг ҳаммасини ҳар биримиз ҳис қилиб турибмиз. Маошимиз яхши. Мукофотимиз бор. Шу боис буюртмаларни аъло даражада бажаришга ҳаракат қилаяпмиз.

### Ислоҳот ва самара

— «Олтин чигит»нинг бир иши, айниқса, биз, деҳқонларга маъқул, — дейди Қумқўрғон туманидаги «Эшон ариқ» фермер хўжалиги раҳбари Эргаш Жумаев. — У уруғлик чигитни капсуллаб беради. Капсулланган уруғ ёмғир ва қорнинг остида қолсаям чириб кетмайди. Ерга сочилгандан сўнг 40-50 кун тупроқда турса-да, униб чиқаверади. Шунинг учун ҳам «Олтин чигит»нинг чигитини чинакамига олтин чигит, деймиз.

Жумаевнинг гапларига яна шуни қўшимча қилиш мумкин. Туксизлантирилган чигитнинг униб чиқиш қуввати юқори. Тукли чигитга нисбатан 2-3 баравар кам уруғ сарфлаб, тўлиқ кўчат оламиз. Сульфат кислотада, сўнгра 240 даража термик иссиқликда қайта ишланган уруғнинг кўчати илдиз чириш, вильт касалликларига чалинмайди. Ивитилмай экилади. Муҳими, бу омиллар пахтадан эртаги ва мўл ҳосил етиштирилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу кеча-кундузда жамоа ширкат ва фермер хўжаликлари буюртмасига кўра, чигит ва ғалла уруғини қайта ишламоқда. «Олтин чигит»дан уларни харид қиламан, деб турганлар эса кўп.

Куни кеча бу ерда алюминий эшик ва дераза тайёрлайдиган янги цех ҳам ишга туширилди. У йилига 17 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Ана шу юмуш билан 15 киши шуғулланади. Энди ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган корхона қуриш керак. Пуллик хизмат кўрсатишни жорий этиш ҳам режалаштирилган. «Қорсақли» адирликларида эса тез орада боғ-роғлар яратилади.

«Сурхончигит»нинг меҳнат аҳли бугун деҳқонларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилмоқда.

**Олимжон УСАНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

*Қарор ва ижро*

## НАҚД ПУЛСИЗ ҲАМЁН

***Ҳаётда ҳар ким ишлаб топган даромадини оқилона сарфлашни, эҳтиёждан ортиқча қисмини эса жамғарма сифатида бут сақланишини ва имкон бўлса, ундан даромад олишни мақсад қилиб қўяди.***

***Бу борада жамғармаларни омонатларга қабул қилиб олиб, уларни дахлсиз сақлаш ва маблағ эгасига қўшимча кафолатланган даромад келтирадиган молиявий муассасалар — тижорат банклари аҳолига ўз хизматларини таклиф қилиб келмоқдалар.***

Бундай омонат турларининг хилма-хиллиги, омонатлар бўйича даромад фоизларининг инфляцияни эътиборга олган ҳолда омонатчилар манфаатларидан келиб чиқиб белгиланиши ва улар учун яратилган шарт-шароитларнинг қулайлиги муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ҳозирги кунда мамлакатимизда таклиф этилаётган банк хизматлари ичида пластик карточкалар асосида омонатларни қабул қилиш ва улар орқали ҳисоб-китобларни чекланмаган миқдорда амалга ошириш бўйича кўрсатилаётган хизматларга аҳоли томонидан талаб кундан-кунга ошиб бормоқда.

***Ривожланган давлатларда банк пластик карточкалари асосида амалга оширилаётган ҳисоб-китоблар аҳолининг жами пулли тўловлари таркибида 80-85 фоизни ташкил этади.***

Ўрни келганда бир таққос: дунёнинг барча ривожланган ва ривожланаётган кўпгина давлатларида аҳоли томонидан банк пластик карточкалари асосида амалга оширилаётган ҳисоб-китоблар, аҳолининг жами пулли тўловлари таркибида 80-85 фоизни ташкил этади.

Бу борада шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, бизда пластик карточкаларнинг жорий этилиши юзасидан олиб борилаётган тадбирлар бугун бошлангани йўқ. Бу тадбирларни мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Марказий банк билан ҳамкорликда амалга ошириб келмоқда. Ўтган давр мобайнида Марказий банк тижорат банкларида пластик карточкаларни муомалага чиқариш тартибини белгиловчи бир неча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқди. Ўзбекистон Банклар уюшмаси қошида банклараро пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни ташкил этувчи Процессинг маркази ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу марказга Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асакабанк», «Пахтабанк», Халқ банки, «Ўзуйжойжамғармабанк», «Ўзприватбанк» ва «Алоқабанк» каби молиявий муассасалар боғланган.

Айни пайтда юртимизда жисмоний ва юридик шахслар банклар томонидан миллий валютада муомалага чиқарилган 300 мингдан ортиқ пластик карточкаларнинг соҳиби ҳисобланадилар. Шунингдек, барча вилоят ва туманлардаги икки мингдан ортиқ банк, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари пластик карточкалар орқали тўловларни қабул қилмоқдалар. Фақат 2004 йилнинг ўтган 9 ойи давомида банк пластик карточкалари орқали амалга оширилган пулли ўтказмалар суммаси 58,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Банк пластик карточкалари — бу тижорат банклари томонидан муомалага чиқариладиган тўлов воситаси бўлиб, карточка эгасининг банкда очилган ҳисобварағидаги маблағларидан нақд пул тўламасдан исталган маҳсулотни сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи ҳамёндир. Пластик карточкада эгасининг исми-шарифи, қайси банк томонидан муомалага чиқарилганлиги ва бошқа зарурий маълумотлар ёзилган бўлади.

Пластик карточка эгаси ўз жамғармасини йўқотиб қўйиш хавф-хатарларидан тўлиқ ҳимояланган бўлади. Маълумки, бирор-бир кишининг ҳамёнидаги пул маблағлари йўқолганда уни қоплашга ҳеч қандай кафолат йўқ. Бироқ пул маблағлари банк пластик карточкаларида жойлаштирилган бўлса, пластик карточка йўқолган тақдирда карточка эгасининг ҳисобварағидаги маблағлар бутлигича қолаверади ва унинг қайтарилиши банк томонидан тўлиқ кафолатланади.

Айтайлик, пластик карточка йўқолса ёки маълум сабабларга кўра ишдан чиқса, пластик карточка эгасининг хабарига биноан банк унинг ҳисобварағи орқали амалга ошириладиган операцияларни янги пластик карточка берилгунга қадар тўхтатиб туради. Пластик карточка йўқолганлиги тўғрисида маълумот олингандан сўнг карточка эгасининг ҳисобварағидаги барча операциялар бўйича жавобгарлик банк зиммасига ўтади. Янги пластик карточка берилиши билан карточка эгаси ундан фойдаланиш учун фақат ўзига маълум бўлган янги паролни ўрнатади ва ўз ҳисобварағи орқали ҳисоб-китобларни амалга оширади.

(Давоми 2-бетда).



«Халқ сўзи» назоратида

## Йўллар созланди

Газетамизнинг ўтган йил 29 октябрь сонида муштарий Назар Каримовнинг шикоят хати асосида "Сансалорлик" сарлавҳали луқма чоп этилганди. Унда Оқдарё тумани, "Зарафшон" хўжалигидаги Янгиқишлоқ кўчалари нотекислиги, шу боис лойгарчилик пайтлари ҳатто болалар мактабга ҳам боришолмаётгани танқид қилинганди. Шу муносабат билан таҳририятимизга Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Л.ФАРАДЬЯН имзоси билан расмий жавоб келди. Унда айтилишича, мазкур муаммо вилоят ҳокимлиги ва Оқдарё тумани ҳокимлиги томонидан атрофлича ўрганилган. Натижада мақолада тилга олинган ҳудудлардаги йўлларга шағал тоши тўкилиб, барчаси текисланган. Одамлар ва транспорт воситалари бемалол қатнаши учун қулай шарт-шароит яратилган.

Шунингдек, туман ҳокимлиги томонидан бошқа йўлларни ҳам таъмирлаш чора-тадбирлари белгиланиб, ижроси назоратга олинган.

## *Тўрткўлда меҳнат ярмаркаси*

Меҳр-мурувват йилида 1593 та янги иш ўринлари яратилган Тўрткўл туманида аҳолини меҳнат билан банд қилиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Яқинда «Тўрткўлтекс» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Ярмарка орқали 106 фуқаро янги иш ўрнига эга бўлди.

— Сиҳат-саломатлик йилида бу йўналишда бажариладиган тадбирлар дастурини ишлаб чиқдик, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Ш. Каримбоев. — Асосий эътибор ёшлар ва аёлларни муносиб иш ўринлари билан таъминлашга қаратилмоқда.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## ТАҲДИДНИ ИЛДИЗИДАН ҚУРИТИШ ЗАРУР

***Маълумки, бугунги глобаллашув даврида терроризм инсониятнинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланиб бормоқда. Бу таҳдид ер юзининг турли минтақа ва ҳудудларида кескинликни ва нотинчликни келтириб чиқармоқда. Аянчли томони шундаки, инсоният бошига бало бўлиб ёғилаётган бу офатдан дунёнинг энг кучли давлатлари ҳам ҳимояланган эмас. Мавжуд вазият минтақалардаги мамлакатлар ва жаҳон ҳамжамияти биргаликда терроризмга қарши курашнинг самарали воситаларини ишлаб чиқишини, тақозо этади.***

### Огоҳлик — давр талаби

Биласиз, «терроризм» атамаси яқин ўтмишда пайдо бўлган, аммо бундай хавф азалдан инсониятни таҳликага солиб келади. Жумладан, Амир Темур даврида ҳам шундай таҳдид мавжуд эди. У замонларда бундай хунрезликлар «зўравонлик» деб аталган. Хўш, Амир Темур унга қарши қандай курашган? Соҳибқирон, аввало, инсониятни боши берк кўчаларга олиб борувчи жаҳолатга, вайронкор ғояларга қарши турди. Жаҳолат, ақидапарастлик, бошқа давлат ва фуқароларнинг тинчлиги, осойишталигига рахна солувчи ғояларни таг-томири билан йўқотишга интилди. Амалда шунга эришди ҳам. Бунда зўравонликка қарши курашишдан кўра, унинг олдини олишни муҳим, деб билди. Раиятни юрт мудофааси ва тинчлигига масъул руҳда тарбиялади.

Яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш керак, ўз салтанатида у инсоният фаровонлигини таъминлашга эришиш учун диний ва ирқий тафовутларни четлаб ўтди. Кўплаб шарқ давлатларининг ислом мафкурасига амал қилганлигига ва мафкуравий зиддиятларга қарамай, у биринчилардан бўлиб давлат тараққиёти ва эл фаровонлиги йўлида насроний ғарбга дўстлик ва ҳамкорлик қўлини узатди.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики бу ўринда ҳам ғояга қарши ғоя би-

(Давоми 2-бетда).

# СЕНАТ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНАДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда).

депутатларининг қўшма мажлислари бўлиб ўтмоқда.

Марказий сайлов комиссияси ушбу қўшма мажлисларни ўтказиш тартиб-қоидаларини тушунтиришга бағишланган семинар-тренинг ташкил этди.

Бундан ташқари, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда қўшма мажлислар ўтказиладиган жойларни жиҳозлаш, хусусан, яширин овоз бериш учун тақозо этиладиган сайлов кабиналари, сайлов хоналари ва қутилари, зарур техника воситалари билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи изчил амалга оширилди.

**— Қўшма мажлислар қандай тартибда ўтказилади?**

— Сайловнинг барча жараёнларида бўлгани каби ушбу тадбирлар ҳам миллий қонунчилик талаблари доирасида ташкил этилади.

Даставвал, маҳаллий Кенгашлар аъзолари қўшма мажлис ўтказиладиган жой ва муддат ҳақида ўз вақтида хабардор қилинади. Мажлис куни унда иштирок этадиган депутатларни рўйхатга олиш йўлга қўйилади.

Депутатларнинг қўшма мажлисини Марказий сайлов комиссияси вакили — аъзоси очади ва обрўли, катта тажрибага эга, ёши улуғ депутатлар орасидан аниқланадиган мажлисга раислик қилувчи номзод бўйича таклиф киритади. Шундан сўнг депутатлар мажлиснинг кун тартиби ва иш регламентини тасдиқлайдилар. Мажлисга раислик қилувчи тавсияси асосида очиқ овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш бўйича Оқсоқоллар кенгаши раиси ва аъзолари сайланади.

Оқсоқоллар кенгаши давлат ва жамият фаолиятининг турли тармоқларида катта амалий тажрибага эга ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган, ўз сайловчилари томонидан кенг қўллаб-қувватланаётган обрўли депутатларни Сенат аъзолигига номзод сифатида кўриб чиқади. Қўшма мажлисда Сенат аъзолигига ҳар бир номзод бўйича алоҳида муҳокама ўтказилади ва шундан кейин уни яширин овоз бериш бюллетенига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Шундан сўнг яширин овоз бериш ўтказилади. Бунда сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида ўзи ёқлаб овоз бераётган Сенат аъзолигига номзодларнинг фамилиялари рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратларга белги-крестик қўйиш йўли билан тўлдирилади.

Овоз бериш натижаларига кўра давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг овоз беришда қатнашган эллик фоизидан ортиғи ёқлаб овоз берган номзод Сенат аъзолигига сайланган ҳисобланади.

**— Сенатга сайлов жараёнини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни қандай?**

— Журналистлар Сенат сайлови билан боғлиқ жараёнлардан ҳам халқимизни, жаҳон жамоатчилигини тезкор ва ҳаққоний хабардор этиб боришда фаоллик кўрсатишларига ишонамиз. Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати сайловига тайёргарлик, уни ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш дастури"да ҳам бу борада бир қанча тадбирлар назарда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, Олий Мажлиснинг юқори палатаси — Сенатни шакллантириш учун мамлакатимизда зарур ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди ва ўз вақтида амалга оширилмоқда. Бу эса Сенат сайловининг ҳам Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар каби юқори савияда, демократик руҳда, қонун талаблари доирасида ўтказилишини таъминлаши шубҳасиздир.

**ЎзА мухбири**
**Ғулом МИРЗО**
**суҳбатлашди.**


*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг*

**«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ»**
**танловига марҳамат!**

Азиз журналистлар! Матбуотда ўз дил сўзларини айтишда фаоллик кўрсатаётган жонкуяр ҳамкасблар, тарихга айланган 2004 йил Сизга қандай ижодий ютуқлар олиб келди? Ватанимизнинг мустақиллик йўлида собитқадамлар билан олға боришига муносиб ҳисса қўшаётган, кишиларимиз тафаккурида юз бераётган уйғониш, тикланиш ва янгиланиш жараёнларини юксак савияда маҳорат билан таъсирчан усулларда ифодалаган мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар эълон қилдингизми?



Газета, журнал, радио, телевидение журналистлари, марҳамат, 2004 йил мобайнидаги энг сара ижод намуналарингизни «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ-2004» танлови ҳайъатига тавсия этинг.

**Ғолиблар 2005 йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида маълум бўлади ва тақдирланади.**

Танловга тавсия этиладиган ижодий ишлар таҳририят тавсияси билан Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали топширилиши сўралади.

**Мурожаат учун манзил: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 30-хона.**
**Телефонлар: 144-37-87; 144-69-65**


# НАҚД ПУЛСИЗ ҲАМЁН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни унутмайликки, аҳолининг ишлатилмай «ёстиқ»нинг остида сақланаётган бўш пул маблағлари нафақат ўзларига, балки мамлакатимиз иқтисодиёти учун ҳам бирор-бир наф келтираётгани йўқ.

Эҳтиёждан ортиқча пулни банкка омонатга қўйиб сақлаш уни қадрсизланишдан ва кўзда тутилмаган хатарлардан сақлашнинг энг мақбул йўли бўлиб, жамғарма эгасига қўшимча даромад олиш манбаи ҳамдир. «Пул пулни топади» деган нақл шу ўринда мос келади.

Айнан пластик карточкалар бўйича пластик карточка эгасининг банкдаги ҳисобварағидаги маблағлари қолдиғига банк томонидан фоиз даромади ҳисоблаб борилади. Яъни пластик карточка ҳисобварағида қанча кўп маблағ тўпланса ва сақланиб борса, унинг эгаси шунча кўп даромад олиш имкониятига эга бўлади.

Ҳозирги кунда банклар томонидан муомалага чиқарилаётган пластик карточкаларнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, улар мижозларнинг хоҳишига қараб танланиши мумкин. Масалан, шахсий, корпоратив, дебит ва кредит пластик карточкалардан турли шаклларда фойдаланиш мумкин.

Мамлакатимизда пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизимини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

***2004 йилда мамлакатимизда банк пластик карточкалари орқали амалга оширилган пулли ўтказмалар миқдори 58,2 миллиард сўмдан ошди.***

2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айнан пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш, улар орқали тўловларни амалга ошириш бўйича қулайликларни кенгайтириш ва аҳолининг банклардаги жамғармаларини янада кўпайтиришни таъминлашга қаратилган.

Мазкур қарорнинг моҳияти ҳақида тўхталадиган бўлсак, қарорда, аввалambор, пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, улардан чакана савдода, коммунал хизматларга ва хизматларнинг бошқа турларига чекловларсиз ҳақ тўлашда фойдаланиш, шунингдек, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларни банк айланмасига кенг жалб қилиш ва ушбу маблағларнинг даромадлилигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётда пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Шунингдек, қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига манфаатдор вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва тижорат банклари билан биргаликда:

— авиация ва темир йўллар хизматлари учун патталарни сотиш кассаларида;

— уй-жой ва коммунал хизматлари кўрсатувчи корхоналар ҳузурида очилган аҳолидан тўловларни қабул қилиш шохобчаларида;

— телефон, шу жумладан, уяли алоқа телефонлари хизматлари учун тўловларни қабул қилиш шохобчаларида;

— аҳолидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қабул қилиш шохобчаларида;

— автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида;

— савдо зали майдони 150 квадрат метрдан ортиқ бўлган турғун савдо шохобчаларида;

— ресторанларда;

— иш ҳақи тўлаш пластик карточкалардан фойдаланиб амалга ошириладиган корхоналар ва муассасалардаги умумий овқатланиш объектларида;

— меҳмонхоналарда;

**Пулни пул топади: эҳтиёждан ортиқча пулингизни пластик карточкалар асосида омонатга қўйсангиз, қўшимча даромадга эга бўласиз.**

— алоқа бўлимларида 2005 йилнинг 1 январигача Тошкент шаҳрида ҳамда 2005 йилнинг 1 июлигача вилоят марказлари ва вилоят миқёсидаги шаҳарларда пластик карточкалар орқали тўловларни қабул қилувчи терминаллар ўрнатиш чора-тадбирларини кўриш вазифаси топширилган.

Шу билан бирга, қарорда Маҳаллийлаштириш дастури асосида микрочиплари бўлган пластик карточкалар ва тўлов терминалларини ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида қўшма корхона ташкил этилиши ҳам режалаштирилган.

Насиб этса, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан оддий иш ҳақи олишда, омонатларимизни жамғаришда, турли тўловларни амалга оширишда кундалик ҳаётимизни пластик карточкаларсиз тасаввур этиш қийин бўлиб қолади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, ҳукумат қарорида белгиланган тадбирларни амалга ошириш халқимизнинг кундалик турмушида қулайликлар яратиш мақсадида пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни кенг жорий этилиши билан бирга мамлакатимиз иқтисодиёти янада мустаҳкамланиши туфайли аҳоли фаровонлигининг ўсишига олиб келади.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи.**



*Миришкор туманидаги "Жейнов" ширкат хўжалигининг Қашқадарё вилоятида алоҳида ўрни бор. Жамоа иқтисодий жиҳатдан бақувват ҳисобланади. Хўжалик ҳар йили пахта, ғалла ва бошқа маҳсулотлар етиштириш бўйича шартнома топшириқларини ошириб бажараётганлиги боис бир неча юз миллион сўм миқдорида соф фойда олишга эришмоқда. Шунингдек, хўжаликнинг сутни қайта ишлаш корхонаси ҳам катта даромад келтиряпти. Бу ерда кунига 1500 килограммдан ортиқ серқаймоқ сут қайта ишланиб, 12 турдаги маҳсулот тайёрланяпти. Улар сифатлилиги, мазалилиги ва бежирим идишларга қадоқланаётганлиги туфайли харидорларнинг эътиборини тортмоқда. Қўлга киритилаётган ютуқларда ишчи Муяссар Нафасованинг ҳам алоҳида улуши бор.*

**СУРАТДА: корхона ишчиси Муяссар Нафасова.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ**
**олган сурат.**

## *Кимёвий моддалар ўрнига — биоусул*

Ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилишда заҳарли моддалардан фойдаланган маъқулми ёки фойдали ҳашаротлардан?

Андижонлик деҳқонларга кейингиси қўл келмоқда. Сабаби аён: аввало, атроф-муҳит кимёвий моддалардан ортиқча зарарланмайди, миллионлаб сўмлар хўжаликнинг ёнига қолади. Яна бир қулай томони — заҳарли моддалар қўлланилган майдонларда етиштирилган пахта ҳосили билан, биоусулда курашилган пайкаллардаги ҳосил ўртасида миқдор жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам катта фарқ кўзга ташланмоқда.

Фойдали ҳашаротларнинг ҳар жиҳатдан афзаллигини йиллар давомида синовдан ўтказган деҳқонлар биолабораториялар, биофабрикалар фаолиятини жонлантиришга киришдилар. Жойларда 40 та янги биолаборатория ташкил этилди ва уларнинг умумий сони 164 тага етди. Жорий йилда вилоят хўжаликларида биоусулдан фойдаланиш салмоғи икки баравар ортиши мўлжалланмоқда.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ХАТЛАР *сўзлайди*

***МУШТАРИЙ:***

*ҳавас қилади*

## Оқиб турган дарёлардан бири

***Олим бобо оқиб турган дарё мисоли ҳамма ҳавас қилса арзигулик инсон. У Булоқбоши туманидаги "Андижон" қўрғонида яшайди.***

Етмиш йил мобайнида новвойлик касбини улуғлаб, халққа беминнат хизмат қилган. Шунга кўра, эл-юрт ҳурматини қозонган. Том маънода қишлоқ аҳлининг отахонига айланган.

Яқинда отахон 105 ёшга тўлди. Шу боис уни зиёрат қилиш ва оқ фотиҳасини олиш учун келаётганларнинг қадами узилмайди. Бахтимизга Олим бободек дуогўй нуронийларимиз, уларни ўз отасидек улуғловчи ёшларимиз бор бўлишсин!..

**Комилжон ҲАКИМОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

*... миннатдорчилик билдиради*

## Хушмуомалалик ҳам шифо

***Бундан бир неча ой муқаддам тобим қочиб қолди. Шунда таниш-билишларим Каттақўрғон туманидаги пулли хизмат кўрсатувчи "Эргаш ота" хусусий шифохонасига бориб даволанишимни маслаҳат беришди.***

Уларнинг гапига кириб тўғри қилган эканман. Тез фурсатда дарддан буткул фориғ бўлдим. Менга, айниқса, шифохона ходимларининг, жумладан, бош ҳаким Бердиқул Эргашевнинг хушмуомалалиги, беморларга ғамхўрлиги ёқди.

Эътиборга сазовор жиҳати — жамоа аҳли хизмат ҳақини ҳисоб-китоб қилишда беморларнинг иқтисодий аҳволини алоҳида эътиборга оладилар. Кам таъминланган оила аъзоларига муайян даражада имтиёзлар берадилар. Шунданми, бу ерда дардига шифо истаб келганлар кўпчиликни ташкил қилади. Ҳатто, АҚШ, Германия, Молдова, Россия, Қозоғистон ва Тожикистон каби мамлакатлар фуқаролари ҳам келиб, даволаниб кетишади.

**Ҳамида ЮСУПОВА.**
**Пахтачи тумани.**

*... мадад сўрайди*

## Йўлланма анқонинг уруғи эмиш

***Мен тарих фани ўқитувчисиман. Узоқ йиллардан буён тинч-хотиржам ишлаб келаётгандим. Бултур 14 январь куни юрак хасталигига учраб, ўзим яшайдиган Мирзачўл тумани марказий касалхонасига тушиб қолдим.***

Шифокорларга минг раҳмат, мендан қўлларидан келган ёрдамларини аяшмади. Соғайиб чиқишим арафасида эса, бирон оромгоҳда даволанишни давом эттиришим лозимлиги ҳақида тавсиянома беришди. Шунга кўра, икки бор туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғига учрашиб, кўмак сўрадим. Бироқ "Йўлланма йўқ!" деган жавобдан бошқа гап эшитмадим.

Устига устак, уйдаги телефоним ҳам алоқа сифати ёмонлиги учун олти ойдан буён ишламайди. Бу ҳақда салкам... олтмиш марта туман алоқа бўлими бошлиғига мурожаат қилдим. Афсус, илтижоларим зое кетди. Энди охирги умидим сизлардан...

**Ўзбек СУЛАЙМОНОВ,**
**иккинчи гуруҳ ногирони.**
**Мирзачўл тумани.**

*... танқид қилади*

## Қуруқ гапдан фойда йўқ

***Мана, уч ойдирки, туманимиздаги Денов, Фазли қишлоқлари аҳолиси табиий газдан маҳрум.***

Сабаби, 5 километр узунликдаги газ қувури чириб, яроқсиз аҳволга келиб қолган. Ўлганнинг устига тепгандай, электр чироғининг тез-тез ўчиб-ёниши ҳам одат тусига айланиб қолган.

Биз бу муаммолар ҳақида мутасаддиларга кўп бор мурожаат қилдик. Афсус, ваъдалар қоп-қоп-у, амалий натижа йўқ...

**Мирҳошим МУҲАММЕДОВ,**
**Аҳмад МИРАКОВ.**
**Касби тумани.**

## *Халқаро ташкилот ёрдами*

*«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасида «Амери Керс» халқаро хайрия ташкилоти томонидан келтирилган қарийб 3 миллион АҚШ доллари қийматидаги 1 минг 832 тонналик мурувват юклари республикамизнинг барча вилоятларидаги тиббий муассасаларига етказиш учун жамғарманинг филиалларига топширилди.*

*— Бу кўмак Сиҳат саломатлик йилида берилаётган илк мурувват ёрдамидир, — деди жамғарманинг Фарғона вилояти филиали директори Нурилло Худойберганов «Туркистон-Пресс» мухбирига. — Ўтган Меҳр ва мурувват йилида «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасига 10 миллион АҚШ долларига яқин мурувват юклари келтирилган бўлса, шундан бир миллион АҚШ долларига яқини Фарғона вилоятига берилди.*

# ТАҲДИДНИ ИЛДИЗИДАН ҚУРИТИШ ЗАРУР

(Давоми. Боши 1-бетда).

лан курашиш катта аҳамият касб этади. Хўш, бизда бундай курашнинг самарали усул ва воситалари мукаммал даражада ишлаб чиқилдими?» Бундай саволни ўртага ташлаб, унга жавоб излаш вақти ҳозир. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов: «Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир», деб бежиз айтмаган. Чиндан ҳам, террористик хуруж қилганларни ёхуд уларга кўмак берганларни шунчаки жазолаш билан масалани тугал ҳал этиб бўлмайди. Террористик гуруҳлар ҳар қандай чиркин йўллар билан аҳолини қўрқувга солиб, шу орқали катта бойликка эришишни ва ҳокимиятни қўлга киритишни мақсад қилиб олган. Энди террорчилар тузоғига илиниб қолаётганларга келсак, онги шаклланмаган ёшлар ота-онасига, халқига, қолаверса, ватанига сотқинлик қилаётганлиги, қаерга ва нимага кетаётганлигидан ўзида ҳисоб бўлмаслиги кишини ўйга толдиради. Менимча, ёшларимиз шу маънавий бўшлиқларини тўлдира олмаётганлигида биз, зиёлилар ҳам маълум маънода айбдормиз. Чунки ислом динимизнинг умуминсоний қадрият эканлигини, унда диний ва ирқидан қатъи назар ҳурмат қилиш, уларга нисбатан бўлиш, энг табаррук қоидалардан эканлигини ёшлар онгига биз етказмасак, ким етказади?!

Амир Темур бобомиз ҳам ўз даврида давлати устига ёғилган бундай балолардан, аввало, ғоявий кураш, четдан кирган ва четга чиқиб кетган кишиларнинг мақсадларини аниқлаш, чегараларни мустаҳкамлаш, қўшни давлатлар ва минтақалардаги аҳволни кузатиш, мудофаани кучайтириш ва бошқа усуллар, энг чорасиз вазиятларда мажбурлов йўли орқали қутулган эди. У нафақат йигирма етти давлатни ўз ичига олган салтанати сарҳадларида, балки қўшни минтақаларда ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлашга интилганки, унинг бу борадаги меросини ўрганиш бугунги ҳаёт учун ҳам аҳамиятлидир. Манбаларга асосланиб шундай хулоса қилишимиз мумкинки, осойишталик бобида Амир Темур ва халқ бир-бирига суянган ва кўмак берган, қисқа, қилиб айтганда, давлат ва халқ бирлиги таъминланган. Ҳатто улуғ салтанат таркибига кирмаган мамлакатларнинг эътиборли кишилари, аҳолиси ҳам соҳибқиронга мадад сўраб мурожаат қилганлар. Фикримизга далил сифатида унинг Бағдодда юзага келган тартибсизликларни таг-томири билан тугатишдаги тутган йўли ҳам ибратлидир. Амир Темур шу пайтгача ҳеч ким забт этолмаган, енгилмас қалъа номи билан танилган Такрит қалъасидаги зўравон гуруҳларга қарши курашиб, уларни қаттиқ жазолайди. Қароқчиларни таслим қилгач, оломонга юзланиб: «Қалъадан бир деворни ибрат учун қолдирдим, токи бундан кейин ҳам олам аҳлига бу қалъанинг қандай даражада маҳкам ва мустаҳкам бўлганлиги ҳамда мардлик кучи билан ва подшоҳона раъю тадбир туфайли унинг қай тарзда эгаллланганлиги маълум бўлсин», — дейди.

Соҳибқирон зўравонликларга қарши курашишда фуқароларнинг шахсий ташаббусларини аҳамиятли, деб ҳисоблади. Уларни огоҳлик ва ҳушёрлик руҳида тарбиялаш билан бирга жамиятда бефарқ ва лоқайд кишиларнинг кўпайишини давлат ва халққа катта хавф, деб билди. Хулоса шуки, террористик хуружларни келтириб чиқаришга ундовчи диний ақидапарастлик ва унинг маҳсули бўлган диний экстремизмга қарши курашда, биз-зиёлилар, давлатга яқиндан ёрдам беришимиз, зарарли оқимларнинг нопок ғояларига ўзимизнинг маънавий-маърифий ғояларимиз билан зарба бериш усуллари устида ишлашимиз, диний экстремизмнинг терроризм билан чамбарчас боғлиқ эканлигини, унинг мазмун-моҳиятини оммага очиб беришимиз, оқибатини ўйламасдан жиноят йўлига кириб кетиш хавфи бўлган ёшларга қинғир ишларнинг жиддий оқибатлари, жавобгарлиги ва ҳуқуқий асослари ҳақида мукаммал тушунчалар бериш, бу борада тарғибот ишларини янада кенгроқ олиб боришимиз лозим.

**Шоҳиста ЎЛЖАЕВА,**
**тарих фанлари номзоди, доцент.**

*Ойбек таваллудининг 100 йиллиги олдидан*

# ШАХСИЯТИ — ИБРАТ, ИЖОДИ — САБОҚ



Мен, Ойбек ижодининг таҳлили билан шуғулланиб, у одам билан яқин мулоқот боғлаган адабиётшунослардан бириман. Шу мулоқот йилларида Ойбекнинг улуғ шахс сифатида барча олийжаноб хислатлари билан танишдим. Унинг юқори савияда яратилган асарларини таҳлил қилиб завқландим ва эстетик жиҳатдан ўз илмий қарашларимни мустаҳкамладим. Шу маънода улуғ сиймога дуч келганимдан, у билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлганимдан ўзимни бахтиёр деб биламан. Назаримда, омад дегани шу бўлса керак-да! Чунки, бундай бахтга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди.

Шахс сифатида Ойбек бетакрор улуғ сиймо эди. Унинг феъли кенг, хатти-ҳаракатлари вазмин, фақат бетоблиги учун эмас, балки табиатан камгап одам эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда, яъни 40-йилларнинг иккинчи ярмида, ҳали Ойбек соғлиғи шикастланмаган даврларда адибнинг суҳбатида бўлганман. Унинг фикрини дона-дона сўзлар билан аниқ ифодалашларини ўша пайтлардаёқ сезганман ва англаб олганман. Кейинги учрашишларимда унга хос бу хислатлар яна ҳам ойдинлашиб борди. Мен Ойбекка нисбатан ўзимни шу даражада яқин тутдимки, у бетоб бўлиб гапларни, сўзларни тўла ифода қила олмаган пайтларда ҳам мен унинг назаридан, ҳаракатларидан нима демоқчи эканлигини осонгина англаб олардим.

Ойбек шахс сифатида кўп жиҳатдан менга ибрат бўлди. У ўз фикр ва мулоҳазаларини кўп ўйлаб ўтирмасдан ўртага ташлайверадиган одам эмас эди. Халқнинг «Етти ўлчаб бир кес» деган мақоли гўё Ойбекка қараб айтилгандек сезиларди менга. Одамларга муносабатда ҳам Ойбек ҳақиқий инсон сифатида кўзга ташланарди. Кўчаларда юрган пайтларда унинг қўли доим кўксида эди. Адибнинг уйига ижодкор, ёзувчи, шоирлар, илм аҳли кўп келиб турарди. Улар билан муомалада ҳам Ойбек ўта маданиятли шахс сифатида кўзга ташланарди. Бирор етар-етмасчилик ёки бирор камчилик юзасидан жаҳли чиқиб, фиғони фалакка кўтарилган пайтларини ҳеч Ойбекда кузатган эмасман. Бир нарсага доим мен қойил қолардим. Ойбек ҳузурига келган ҳар бир одам билан очиқ чеҳра, дилкаш суҳбат қура оларди. Меҳмон каттами-кичикми, ким бўлишидан қатъий назар кўчагача чиқариб, қўли кўксида турган ҳолда кузатиб қоларди.

Ойбекнинг ижоди ҳақида кўпгина мақолалар, китоблар эълон қилганман. Менинг адабиётшунос сифатида қалам тебратаётганимга 50 йилдан кўпроқ вақт бўлди. Мана шу йиллар ичида мен кўпгина ёзувчиларнинг ижодини ўргандим. Айрим ҳолларда жаҳон адабиётидан қиёсий таҳлил қилдим. Барча ҳолларда Ойбекнинг дурдона асарлари ўлчов намунаси сифатида мен учун намоён бўлди. Бирор асар ёки ижодкор ҳақида фикр юритмоқчи бўлсам, Ойбекнинг асарлари кўз олдимда турарди. Ҳар бир таҳлил қилинадиган асарнинг қиммати мен учун Ойбек асарларининг қиёсида пайдо бўладигандек кўринади. Ҳа, худди шу маънода мен учун унинг асарлари ўлчов эди.

Бугун ўйлаб кўрсангиз, Ойбек XX аср адабиётида бутун бир давр, муҳим бир босқич эканлигини англайсиз. Бу давр 30-60-йилларни ўз ичига олади. Ойбек мана шу давр ичида тинимсиз равишда изланди, ишлади ва адабиётимиз тараққиёти йўлида йирик-йирик асарлар битди. У яратган шеър ва достонлар, романлар ва қиссалар, фақат ўша давр адабиётининг ютуғи эмас, балки ижод тажрибаси сифатида, бутун бир мактаб сифатида шаклланган ижодий биография сифатида ёшларга сабоқ бўлиб хизмат қилди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган қайси бир ёзувчини олманг, уларнинг ижодини Ойбек меросидан ажралган ҳолда тушуниш қийин бўлар эди. Ҳам тарихий, ҳам замонавий мавзуда қатор романлар яратган Одил Ёқубовнинг ижодига назар ташлайсизми, худди шу йўналишда асарлар битган Пиримқул Қодировнинг роман ва қиссаларига назар ташлайсизми, уларда Ойбек мактабининг таъсирини ҳис қилиш қийин эмас. Бу фақат тилга олинган иккита ёзувчигагина эмас, балки XX асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган барча ёзувчи ва шоирларнинг адабиётимиз тараққиётига қўшган ҳиссаларига ҳам тегишлидир.

Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Ойбек асарларининг 20 жилддан иборат академик нашрини эълон қилди. Бу нашр Ойбекнинг барча асарларини қамраб олади. Бу нашрни варақласангиз, Ойбек ўзбек адабиёти тараққиётига қай даражада улуғ ва беқиёс ҳисса қўшганини англайсиз.

Вазирлар Маҳкамасининг Ойбек ҳақидаги қарорида айтилганидек, Ойбекнинг кенг кўламли ижодини тарғиб қилиш ва унинг юз йиллик юбилейи муносабати билан қатор тадбирларни ўтказиш «ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, аждодларимизнинг маънавий мероси билан фахрланиш ва ифтихор туйғуларини юксалтиришда» катта хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,**
**академик.**

## Солижон МАМАРАСУЛОВ



Шафқатсиз ўлим Республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган тажрибали раҳбар, моҳир ташкилотчи, мелиорация ва сув хўжалиги соҳасининг билимдони Солижон Мамарасуловни 75 ёшида орамиздан олиб кетди.

С.Мамарасулов 1930 йилда Андижон вилоятининг Марҳамат туманида туғилди. 1953 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини тугаллади. Меҳнат фаолиятини "Ўздавсувлойиҳа" институтида муҳандис-лойиҳачи сифатида бошлаб, мазкур институтнинг директори лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. У 1965 йилдан 1977 йилгача Ўзбекистон мелиорация ва сув хўжалиги вазири бўлиб ишлади.

Ана шу йиллар давомида С.Мамарасулов бутун куч-ғайратини, билимини, амалий бой тажрибасини мамлакатимизда мелиорация ва ирригация соҳасини ривожлантиришга бағишлади. У республикада сув хўжалигини лойиҳалаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, коллектор ва дренаж тармоқларини барпо этиш ишларида фаол иштирок этди. Андижон сув омбори ва Аму-Бухоро магистрал каналининг қурилишларига бошчилик қилди.

С.Мамарасулов 1977-1978 йилларда республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари лавозимида ишлади, шундан сўнг 1991 йилгача Андижон, Сурхондарё, Тошкент вилоятларига раҳбарлик қилди.

У ўзининг ташкилотчилиги, билим ва тажрибаси билан жамоатчилик эътиборини қозонган эди.

С.Мамарасуловнинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги самарали хизматлари муносиб баҳоланиб, у "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор" унвони, Беруний номидаги Давлат мукофоти ва бир қанча орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Ажойиб инсон, моҳир ташкилотчи раҳбар Солижон Мамарасуловнинг ёрқин хотираси қалбимизда доимо сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ш. МИРЗИЁЕВ,**
**М. ЮСУПОВ, С. ИСМОИЛОВ,**
**Э. БОҚИБОЕВ, И. ФАЙЗУЛЛАЕВ.**

# Европа уйида нима гап?

*Европарламент ЕИ Конституциясини маъқуллади, энди навбат унга аъзо мамлакатлар парламентларига*

*Шарҳловчи минбари*

Ўтган ҳафтада Франциянинг Страсбург шаҳрида муҳим сиёсий воқеа юз берди. Европа парламенти Европа Иттифоқининг Конституциясини қабул қилиш тўғрисидаги шартномани кўпчилик овоз билан ратификация қилди. Жами 500 нафар депутат ёқлаб овоз берди. Бу Европарламент депутатларининг учдан икки қисмидир. Бундай якдилликнинг сабаби шундаки, агар Конституция кучга кирса, Европарламент депутатлари қўшимча ваколатларга эга бўладилар. Жумладан, улар Еврокомиссия ҳамда Вазирлар Кенгаши фаолиятини назорат қилишлари мумкин.

Бироқ бунга ҳали вақт бор. Чунки Европарламент Конституцияни қабул қилгани билан у дарҳол кучга кирмайди. Бунинг учун, аввало, уни 25 та давлат маъқуллаши ва ратификация қилиши керак. Камида ўнта мамлакатда эса бу масала юзасидан референдум ўтказилиши зарур.

Европа Иттифоқи Конституцияси лойиҳаси устида икки йилдан кўпроқ иш олиб борилди. Комиссияга Франциянинг собиқ президенти Валери Жискар д' Эстен раҳбарлик қилди. Янги Конституция лойиҳаси матни Европарламентда, Еврокомиссияда ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда узоқ вақт муҳокама қилинди. Шундан кейингина аъзо мамлакатлар раҳбарлари ўтган йили июнь ойида Брюсселда тўпланиб, янги Конституция матни юзасидан аниқ бир тўхтамга келдилар.

Хўш, бу тўхтам нималарда намоён бўлди?! Конституцияда қайд қилинганидек, Европа Иттифоқи байроғи яшил рангда бўлиб, унда 12 та олтин юлдуз бор. Людвиг Ван Бетховеннинг «Шодлик гимни» иттифоқ мадҳияси ҳисобланади. Евро-расмий пул бирлиги. «Бирлик ранг-барангликда» — бу шиор «Европа куни» сифатида нишонланадиган бўлди.

Шунингдек, бошқарув тизимидаги ўзгаришлар юзасидан ҳам бир тўхтамга келинди. Шу пайтгача амалда бўлган раҳбарлик лавозимларидан ташқари янгилари таъсис этилди. Жумладан, шу пайтгача Еврокомиссия раиси ижро ҳокимиятига раҳбарлик қилиб келган бўлса, янги Конституцияда Европа Иттифоқи президенти лавозими ҳам жорий этилди. Президент Европа иттифоқига аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан беш йил муддатга сайланади. У давлат раҳбарлари саммитини бошқариш билан бирга, Европа Иттифоқининг хориждаги ваколатли вакили саналади. Янги Конституцияга кўра, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар вазири лавозими ҳам таъсис этилди. Бу лавозимни эгаллаган одам аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг учрашувини ташкил этади, ташкилотнинг ташқи сиёсатини мувофиқлаштиради ҳамда хориждаги ваколатли вакил сифатида фаолият кўрсатади.

Конституцияда қарор қабул қилиш жараёни ҳам аниқ-лўнда ифодаланган. Ҳар қандай таклиф энг камида 15 та давлат овоз берган тақдирдагина қабул қилинади. Бу Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар жами аҳолисининг камида 65 фоизини ташкил этган бўлиши керак. Камида тўртта давлат қарши бўлган тақдирда қарор қабул қилинмайди. Ташкилот аъзоларининг вето ҳуқуқларини ман этиш билан боғлиқ жиҳатлар ҳам бор. Улар юридик тизим, полиция хатти-ҳаракати, таълим, иқтисод каби элликка яқин соҳаларда ўз ифодасини топган. Бироқ Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ташқи сиёсат, мудофаа, ижтимоий хавфсизлик, солиқлар ҳамда маданият билан боғлиқ соҳаларда қарорлар қабул қилишда вето ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

Асосий қонун матни тўғрисида бир тўхтамга келинганидан кейин орадан тўрт ойдан кўпроқ вақт ўтгач, яъни 2004 йил 29 октябрь куни Рим шаҳрида янги Конституция Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари томонидан якдиллик билан имзоланди. Унда аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларидан ташқари Европа ҳамжамиятига киришга номзодлар сифатида тилга олинаётган Руминия, Болгария, Хорватия ва Туркиядан ҳам юқори мартабали вакиллар иштирок этишди.

Европа Иттифоқининг янги аъзоси бўлган Литва биринчи бўлиб Конституцияни ратификация қилди. Мамлакат парламенти маъқуллаганидан кейин Конституция қабул қилинди. Бу қарор қабул қилиш учун етарли эди.

Европа Иттифоқининг яна бир янги аъзоси — Венгрия иккинчи бўлиб Европа Конституциясини қабул қилди.

Шу билан бу жараён бироз тўхтаб қолгандай бўлди. Шундан кейин Европарламентнинг ўзи ташаббус кўрсатиб, 2005 йилнинг иккинчи ҳафтасида Европа Конституциясини маъқуллади. Эҳтимол, энди аъзо давлатларнинг парламентлари ратификация билан боғлиқ жараённи тезлаштириш чораларини кўришар. Бироқ хориж оммавий ахборот воситаларида босилаётган хабарларга қараганда, айрим давлатларда, жумладан, Буюк Британия, Франция, Испания, Дания ва Голландияда бу масалада 2005-2006 йилларда референдум ўтказиш мўлжалланмоқда. Бундай мамлакатлар сони яна ошиши мумкин. Демак, Европа Конституциясининг бутун Европада амал қилиш муддати кечикади.

Шубҳасиз, юзага келган вазият Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ҳамда демократик ривожланиш даражалари турлича эканлигини кўрсатади. Агар янги Конституция кучга кирса, улар ўртасидаги ана шу тафовут барҳам топади ва европаликлар ягона тартиб-қоида билан Европа уйида аҳил оила бўлиб яшайдилар.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

*Долзарб муаммо*

# ДОРИЛАР ДАРМОНМИ?



### Аччиқ ҳангома

Шифокор беморларни қабул қилмоқда.

— Нимадан шикоят қиласиз?

— Томоғим оғрийди...

— Унда бозорга борасиз. Тўғри катта толнинг остида, қора тўнда шолғом сотаётган йигитга учрайсиз. Бир кило шолғомидан олиб қирғичдан ўтказасиз. Қиймани уч маҳал овқатдан олдин бир қошиқдан ичиб турасиз, бир ҳафтада томоқ оғриқдан нишон ҳам қолмайди.

Иккинчи бемор кириб келибди.

— Нима бўляпти?

— Белим зирқирайди...

— Унда бозорга борасиз. Тўғри катта толнинг остида, қора тўнда шолғом сотаётган йигитга учрайсиз. Бир кило шолғомидан оласиз...

Учинчи бемор арз қилибди:

— Тишим...

— Унда бозорга борасиз, — деб шифокор одатдаги пластинкасини бошлаётган экан, телефон жиринглаб қолибди. Дастакни кўтарса, ундан шундай овоз келибди:

— Шолғомни сотиб бўлдим. Энди беморларга турп ёзиб беравер!

* * *

Шамол келмаса, дарахтнинг учи қимирламайди, деганларидек, бундай ҳангомалар бежиз оғиздан-оғизга кўчиб юрмайди. Тўғри, деймиз. Дори-дармон соҳасидаги қатор жумбоқлар ҳақида бош қотиришни бошлаймиз: сотиб олаётган дори-дармоннинг фойдаси қанча-ю, зиёни қанчалик? Уни сотиб олиб биз фойда қиляпмизми ёки фойданинг улгуржисини ишлаб чиқарганлар, воситачилар, сотувчилар кўраяптими? Дорининг арзони тузукми, қимматроғи? Хорижники яхшими ёки ўзимизники? Ишлаб чиқариш борасида аҳвол қандай, муаммолар нимада?

Шу каби саволларга жавоб излаб тегишли ташкилотларда бўлдик. Уларга берилган жавоблар газетхонларимизни ҳам бефарқ қолдирмаса керак, деб ўз мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашишни лозим топдик.

### Ривожланиш

1993 йил республика Президентининг Фармонига асосан "Ўзфармсаноат" давлат акционерлик концерни (ДАК) ташкил этилди. Ўшанда концерн таркибида иккита ишлаб чиқариш корхонаси ва учта илмий-тадқиқот институти бор эди, холос. Концерн аҳолини сифатли ва нисбатан арзон дори-дармон ҳамда тиббиёт маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида, қатор ютуқларни қўлга киритди. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватидан, хом-ашё ресурсларидан, илмий-техник имкониятдан янада тўлароқ фойдаланган ҳолда чет эл инвестициялари ва технологиялари негизида янги корхоналар ташкил этилди. 1996-2003 йиллар оралиғида таблеткалар ишлаб чиқариш 200 миллион донадан 500 миллионга ортди. Инъекция эритмалари ишлаб чиқариш ҳажми 25 миллиондан 50 миллионгача ошди. Бундан ўн йил аввал республикамизда 61 турдаги дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқилган бўлса, бугунги кунда бу рақам 400 дан ошиб кетди.

Ҳозирда "Ўзфармсаноат" ДАК таркибида 30 дан зиёд корхона ва муассаса фаолият юритмоқда. Шундан 16 таси Швейцария, Буюк Британия, Германия, Чехия, Люксембург, Ҳиндистон, Россия, Кипр сингари давлатлар билан ҳамкорликда барпо этилган қўшма корхоналардир. Уларга жаҳоннинг энг илғор компания ва фирмаларининг ускуналари ўрнатилган. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми 12 баробар ошди.

Бу маълумотлар мамлакатимизда фармацевтика соҳаси ривожланиш босқичига кирганини кўрсатиб турибди. Лекин...

### Хўрозқандингиз импортниймй?

Япония, Корея, Хитой каби давлатларда бир пайтлар фақат ўз мамлакатида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилишган экан. Сабабини сўрашса:

— Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки мен мамлакатимда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб олсам, битта иш ўрнининг сақланиб қолинишига, корхонанинг ривожига, бу билан давлат тараққиётига ҳисса қўшган бўламан, — деб жавоб беришган экан.

Ибратли жавоб! Ватанпарварликнинг оддий намунаси.

Бизда-чи? Афсуски, устоз Саид Аҳмад айтганидай, хўрозқандни ҳам хорижники бўлса сотиб оламиз. Бироқ...

Маълумотларга қараганда, республика фармацевтика бозорларида 4700 турдан ортиқ дори-дармон сотилади. Уларнинг тахминан 10 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилган. Қолгани чет элники. Аммо чет элда ишлаб чиқарилган кўпгина дорилар ўзимизникидан арзон. Масалан, шамоллашга қарши ўзимизда ишлаб чиқарилган «Сипрес»нинг нархи 3700 сўм, Ҳиндистондан келтириладиган «Ципрокс» эса 1200 сўм. Ёки оёқ яллиғланишига қарши Ҳиндистоннинг «Фунгикейр» воситаси 1800, Югославияда ишланган «Дифлазон» — 5500, ўзимизнинг «Флунол» 7000 сўм.

Нега шундай? Ахир Россия ёки Европадан дори олиб келиш ҳам пул туради-ку? Сабаб нимада?

Саволимизга "Ўзфармсаноат" ДАК бошқаруви раиси маслаҳатчиси Шожалил Шораҳмедов шундай жавоб берди:

— Бугунги кунда хориждан олиб келинаётган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари қўшимча қиймат солиғидан озод қилинган. Бироқ бу турдаги солиқ тўловлари бизнинг дориларни тайёрлашда ишлатиладиган хом-ашё учун сақлаб қолинган. Ваҳоланки, Украина, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Белорусия каби МДҲ давлатларида эса маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида дори-дармонлар учун қиймат солиғи ва божлар олинмайди.

Бизнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулоти учун 20 фоиз қўшимча қиймат солиғи, 10 фоиздан 30 фоизгача бож тўлайди. Шуниси ажабланарлики, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхона республикадаги даволаш-профилактика муассасалари ҳамда аҳоли эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш имкониятига эга бўла туриб, айнан шу турдаги препаратлар четдан олиб келинаётир. Натижада маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин пасайиб кетишига, маҳсулотларнинг сотилмай омборхоналарда туриб, мавжуд ишчи ўринларининг бўшаб, корхоналар фаолиятининг тўхтаб қолишига олиб келмоқда. Биргина дори турини яратиш учун олимлар йиллаб вақт сарфлайди. Лекин у яратилсаю мамлакатимизда ишлаб чиқарилиб сотилмаса, нима наф?

Биргина "Ўзфармсаноат" ДАК тизимидаги корхоналарда 2003 йил давомида жами ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 65 фоизи сотилган, холос. 2002 йилга нисбатан маҳсулот сотуви 17 фоизга пасайиб кетган. Корхоналарнинг айланма активлар билан таъминланиши 42,8 фоизга қисқарган, 8 та корхона ўз фаолиятини тўхтатган.

— Бу жараён давом этадиган бўлса, қарийб ўн йил давомида шаклланган мамлакатимиз фармацевтика саноати мураккаб аҳволга тушиши мумкин, — дея фикрини давом эттиради Ш. Шораҳмедов. — Биз бож тўловларини тўғри қабул қиламиз, лекин бу талаб четдан келтирилаётган тайёр дори-дармонларга ҳам бўлса ёки бизга ҳам бир хил имтиёзлар берилса, деган фикрдамиз.

Мутахассисларнинг фикрича, хорижий фармацевтика фирмаларининг республикамиздаги вакиллари ўз маҳсулотларининг кўпроқ ва тезроқ сотилиши учун туну кун иш олиб боришади. Биринчи ўринда рекламага зўр беришади, янги турдаги дориларнинг самараси ҳақида тарғибот ишларини олиб боради. Шунингдек, мутахассислар ва шифокорлар билан иш олиб боришади. Уларга керакли кўрсатмалар бериб, рағбатлантириб туришади.

### Сифат ва сохталик

Кўтарилган мавзуда сифат масаласи ҳам бор. Хоҳ четдан келтирилсин, хоҳ ўзимизда ишлаб чиқарилсин, барча дори-дармон текширувдан ўтади. Бу республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан амалга оширилади. Бироқ тонналаб келтирилаётган дориларнинг кичик бир қисмигина текширилиб сўнг рухсат берилади. Чунки уларнинг ҳар бирини битталаб анализ қилишнинг илoжи йўқ. Шу боис орачорада сохта, фойдаланиш муддати ўтиб кетган дориларнинг ҳам кириб келиш ҳоллари учрайди.

Бизнингча нарх-навони пасайтириш, дори-дармон сифати устидан назоратни кучайтириш учун ишлаб чиқаришни ривожлантириш керак. Икки томонлама фойда, ҳам дорилар арзонга тушади, ҳам янги иш ўринлари очилади.

Корхоналар кўпайса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш ҳам осонлашади. Чунки чет элда ишлаб чиқарилган дори-дармонларни текшириш учун йиллаб вақт ўтади. Жавобгар топилганда ҳам масалага аниқлик киритиш учун неча ойлаб судлашишга тўғри келади. Дори-дармон ўзимизда ишлаб чиқарилса-чи? Ерлиғида корхона муҳри бор, дори-дармон сифатсизлиги учун жавобгарлар ёнгинамизда — масалага зумда ойдинлик киритилади. Шу боисдан, бу корхоналар жавобгарликни зиммаларига олиб, ўз маҳсулотлари сифати учун изчил кураш олиб боришади.

Биз ўзимизда ишлаб чиқарилаётган дори-дармонлар сифати хусусида фикр сўрадик. Бошқарма бошлиғи Абдуқодир Тўлаганов шундай деди:

— Мамлакатимизда, яъни "Ўзфармсаноат"да ишлаб чиқарилаётган дори-дармонлар сифати ҳеч бир четда чиқадиган шундай турдаги дорилардан қолишмайди. Ҳар бир дори-дармон давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномага ва бошқа тегишли ҳужжатларга эга.

Шундай бўлса-да, сохта, сифатсиз дорилар пайдо бўлишининг бир неча сабаби бор. Сир эмас, пойтахтнинг Чилонзор, Қуйлиқ каби ҳудудларида, Қўқон шаҳрида, Хоразмнинг Хазорасп туманида ва Наманган шаҳрида ноқонуний дори бозорлари бор. Уларда, асосан четдан олиб келинган дорилар сотилади. Аммо уларнинг сифатига кафолат йўқ. Шундай экан, рухсат берилмаган бундай бозорлар нега бемалол фаолият юритмоқда?

Яқинда телевидениеда сохта дорилар тайёрлаш билан шуғулланувчи шифокорлардан бирини кўрсатди. У 300 сўм турадиган «Глюкоза» дорисини 2400 сўм турадиган «Гемодез» ўрнига сотар экан. Бу жиноят эмасми?

Таҳририятимизга Бувайда тумани, Алимерган қишлоғида истиқомат қилувчи Мухтор Қосимовдан келган мактубда эса шундай дейилади: «Анча йиллардан бери диабетга чалинганман. Шифокор менга «Манинил» дорисини буюрди. Лекин дорихоналардан пулга ҳам (аслида текинга берилиши керак) тополмадим. Дорини бозордан олишга чўчидим».

Бу каби ҳолатлар ҳаммамизни ўйлантиради. Айниқса, 2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили, деб эълон қилиниши бу мавзунинг жуда долзарблигидан, ютуқларимиз билан бирга муаммоларимиз борлиги ва уларни ҳал этишга жиддий бел боғлаганимизни англатади. Гап — инсон саломатлиги, унинг энг катта бойлиги хусусида.

**Рустам БОЙТЎРА,**
**Саид АНВАР,**
**"Халқ сўзи" мухбирлари.**

## Титандан сигналлар

***Сатурннинг энг йирик табиий йўлдоши — Титанга Huygens фазовий кемаси муваффақиятли қўнди. Қўниш жараёни икки ярим соат давом этди. Бу вақт ичида фазо кемаси Титан атмосферасини ўрганди ҳамда шовқинни магнит тасмага ёзиб, Ерга узатди.***



***Сўнгги хабарларда айтилишича, мазкур қурилма сайёрада дастлабки тадқиқот ишларини бошлаган. Титан атмосферасида азот ва метан газлари мавжудлиги маълум бўлди. Олимлар фикрича Ер юзида ҳам бундан 4,6 миллиард йил аввал худди шундай ҳолат юз берган. Бу каби маълумотлар Ер шаклланиш жараёни ҳақида аниқ маълумотлар олиш имконини беради.***

***Айтиш лозимки, Huygens фазовий кемаси етти йилдан сўнг Сатурнга етиб борди.***

## Маблағни кўпайтириш лозим

***БМТ тараққий этган давлатларга мурожаат қилиб, ривожланаётган мамлакатларга ажратилаётган маблағни кўпайтиришга чақирди. Либерал иқтисодчи Жеффри Сакс тайёрлаган маърузада халқаро савдо соҳасидаги қоидаларни ўзгартириш ва қашшоқ давлатларда ривожланиш инфратузилмаларини жаҳон талаблари асосида шакллантириш борасида ҳам тавсиялар берилган.***

## Музокаралар ўтказишга тайёр

***ЭТА айирмачилик гуруҳи Испания ҳукумати билан музокаралар ўтказишга тайёр эканлигини билдирди. Гуруҳ вакилининг сўзларига қараганда, ЭТА бундан икки ой олдин «Батасуна» партияси томонидан илгари сурилган таклифларни маъқуллаган.***

***Мамлакат бош вазири Хосе Родригес Сапатеро ЭТА тарафидан амалга оширилаётган зўравонликларга барҳам берилмагунича музокаралар ҳақида гап ҳам бўлмаслигини маълум қилди.***

*Мулоҳаза*



***Очиғини айтсам, кашандалик ҳақида ёзишга қарор қилдиму ўйланиб қолдим. Чунки гап тамаки чекишнинг фақатгина салбий жиҳатларида эмас, балки кимнинг ва нима учун чекишида! Кузатаётган бўлсак, чекиш нафақат бир иллат, балки одатий бир эҳтиёжга айланиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Ачинарлиси, ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини татимаган ёшлар кашандалик домига тушиб қолмоқда. Уларнинг кун сайин иллат ботқоғига ботаётганини кўриб туриб индамаймиз. Фарзандимизга эътибор кўрсатсак бўлди, бировнинг боласи бизга эл бўлармиди, қабилида иш тутамиз. Ҳаттоки, 14-15 ёшли ўсмирнинг кўча-кўйдаги хатти-ҳаракатлари жаҳлимизни чиқарса ҳам ичимизга ютамиз. Чунки биз ўтакетган андишали инсонмиз. Бировга озор беришдан чўчиймиз. Аслида-чи...***

# ОЛИФТАГАРЧИЛИККА ЧЕККАНЛАР...

Тан олиш керак, 14-15 ёш ўсмирлар учун балоғат даври ҳисобланади. Бу даврда улар жиззаки, гап кўтармайдиган, серзарда бўлиб қолишади. Арзимаган нарсалар устидан жиғибийрон бўлиб, ўзларини қўярга жой тополмайди. Бу ҳолат кўпчилигимизга таниш. Ана шу даврдан уларнинг ҳеч бир иллатсиз ўтиши эса оилага, у ерда яратилган шарт-шароитга, қолаверса, ота-оналарнинг меъёрдаги қаттиққўллигига ҳам боғлиқ. Оилада ана шу имкониятлар мавжуд бўлса, фарзанд ўзи учун фойдали йўлни танлашда адашмайди. Балоғат давридаги озгина эътиборсизлигимиз эса уларни ҳаётдан буткул совутади. Бундай дейишимизга етарлича асос бор, албатта.

... Н. оилада ёлғиз фарзанд бўлганлиги учунми, ота-онаси уни еру кўкка ишонмайди. Мактабга истаганида бориб, уйда истаганини қилдиради. Нимагадир, кейинги пайтларда ёлғиз ўғил юриш-туришидаги ўзгаришлардан ота-она ташвишга тушди. Мактабга умуман бормайди, кечгача кўча санғиш билан вақтни ўтказади. Ўртоқлари эса ўзидан тўрт-беш ёш катта, "рэп"ча кийимидаги "крутой" болалар. Н. уларга ҳавас қилади. Дастлаб, ота-онасидан "рэп"ча кийим-бош олиб беришларини сўради. Ёлғиз ўғилнинг "амри" вожиб. Бирпасда у маҳалланинг "крутой" боласига айланди. "Энди навбат — чекишга", — деди ўртоқлари унга "PINE" сигаретини узатаркан. Аввалига унинг бадани жимирлаб кетди. Рад этмоқчи бўлдию ахир бу олифтагарчиликка-ку, ўрганиб қолмасман, дея ёқилган сигаретни ичига тортди. Кўз олди қоронғулашиб, ўзини ёмон ҳис қилса ҳам ўртоқларининг олдида "мард" эканлигини кўрсатиб қўйгиси келди. Шу тарзда бир неча ҳафта ўтди. Энди у сигарет чекмаса туролмасди. Ота-она ташвишда. Ўғлини кўчага чиқармай қўйишди. У бир гал ота-онасини чалғитиб кўчага отилди. Ўртоқлари унга аллақандай баргларни қоғозга ўраб беришди. Н. уларга бошқа чекмаслигини, танаси ўрганиб қолаётганини айтишга айтди-ю, ўзини ушлаб туролмади. Бу олифтагарчиликка-ку, дея ўйлади-да, ичига тортди. Кайфияти чоғ одамдек кула бошлади. Демак, катталар айтганчалик, ёмон эмас экан-да, деган қарорга келди. Шу зайлда ойлар ўтди. Иштаҳаси кундан кунга очилиб борсада, барваста ўғил озиб-тўзиб, кўзлари нурсиз бўлиб қолди. Ота-она яна ташвишда. Ўғлини мажбурлаб касалхонага олиб боришди. Ҳақиқат аён бўлди...

Ҳали ўн олтига кирмаган ўғилнинг гиёҳванд бўлиб қолганига гоҳ тушуниб, гоҳ тушунмай шифокорларга нажот билан термулган ота-онанинг ҳолатини сўз билан изоҳлаб бўлмайди. Улар фарзандининг бахти, иқболи учун ҳамма нарсага тайёр эди. Қаерда хатога йўл қўйилди?

Бу воқеани бежизга келтирмадик. Негаки, айнан олифтагарчилик оқибатида кўпгина ўсмир йигит-қизлар тўғри йўлдан адашади, эротикага майли ошади, юриш-туришида, кийинишида, одоб-ахлоқида биз учун тўғри келмайдиган ҳолатлар вужудга келади. Буни инкор этиш мушкул. Ана сизга олифтагарчилик, деймизу жавобсиз саволлар қаршисида жим тураверамиз.

Сўнгги пайтларда кузатадиган бўлсак, ўсмирлар орасида, айниқса, ўғил болалар ўртасида сигарет чекиш, уларнинг таъбири билан айтганда, "мода"га айланиб бормоқда. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу ҳақиқат. Ҳақиқатлиги яна шундаки, бу иллат инсонга фақат зарар келтиради, соғлиғидан, саломатлигидан айиради. Энди айтингчи, айни кучқувватга, иқтидорга эришишни мақсад қилган ёшлар бунга муносибми? Бу ҳақда шифокор Р. Умаров бизга ўз фикрларини билдирди. Унинг айтишича, кейинги йилларда республикамизда ёшлар ўртасида нафақат тамаки чекиш, шунинг баробарида нос чекиш каби зарарли одат кенг тарқалмоқда экан.

— Энг ёмони, — дейди у, бу одатнинг тарафдорлари, яъни балоғат ёшидаги ўсмирлар ота-онаси сезмаслиги учун, оиладаги муҳитни, уни тушунмасликларини рўкач қилиб чекишларини айтишади. Нос улар ўйлагандай зарарсиз эмас. Унинг тутуни бўлмагани билан ундаги заҳарли моддалар тил остидаги қон томирларига сўрилиб, қон орқали мия, юрак, жигар каби органларни заҳарлайди. Нос тамакининг энг кучли (заҳарли) турларидан тайёрланади. Тамаки тутуни таркибидаги заҳарли моддалардан ташқари, унга яна оҳак, кул каби моддалар ҳам қўшилади. Шу боис унинг истеъмолчиларида оғиз бўшлиғи, қизилўнгач ва меъда раки кўп учрайди. Сигарет чекувчиларнинг аксарияти ўсма (рак), сурункали бронхит касаллигидан шикоят қилишади.

Илмий тадқиқотлардан маълум бўлишича, тамаки тутуни таркибида 3 мингдан кўпроқ заҳарли модда бор экан. Шулардан никотин, аммиак, карбонат ангидрид, бензол кабилар одам организмининг барча аъзоларига, жумладан, нафас олиш аъзоларига заҳарли таъсир кўрсатар экан. Халқаро Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, чекиш оқибатида юзага келадиган касалликлардан ҳар йили дунёда икки ярим миллион киши ҳалок бўлади. Энг ачинарлиси, уларнинг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этар экан.

Шу ўринда яна бир факт. Олиб борилган тадқиқотларга кўра, Россияда эркакларнинг 77 фоизи, аёлларнинг 27, балоғат ёшидаги ўсмирларнинг эса 42 фоизини чекувчилар ташкил этар экан. Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатда ҳозирда чекиш суръати 70-80 йилларга қараганда ўн баробарга ошган. Ўша пайтларда чекувчиларнинг ёши ўрта ҳисобда 20 ёшни ташкил этган бўлса, бугунга келиб уларнинг ёши 14-15 ёшга тўғри келмоқда. Айни пайтда нафақат Россияда, балки бутун дунё мамлакатларида чекишга қарши қатор чоралар кўрилмоқда. Жумладан, Европа мамлакатларида жамоат жойларида чекиш қатъиян тақиқланиб, 18 ёшдан кичиклар учун 9110 евро миқдорида жарима жорий қилинган. Бундан ташқари, Голландия, Норвегия, Хитой, Ирландия, Нидерландия, Швеция давлатларида чекишга қарши махсус қонунлар қабул қилиниб, уларнинг амалдаги ижроси ҳукумат назоратидадир. Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистонда ҳам ўсмир ёшларнинг чекиши маълум маънода назоратга олинган. Хусусан, мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ички низомга кўра, чекиш маън қилинган. Шунингдек, 18 ёшга тўлмаган ўсмирларга тамаки маҳсулотларини сотиш қатъиян тақиқланади. Ва бунга йўл ҳам қўйилмайди. Лекин баъзи "тижоратчи"лар кўча-кўйда, пана-пастқам жойларда очиб олган "дўкончалари"да (норасмий, албатта) ҳар хил тамаки маҳсулотларини ёшига қараб эмас, чўнтакка қараб пуллаши кўпчилигимизга сир эмас. Хўш, энди айтингчи, фарзандингизнинг чекмаслигига кафолат борми?

Инглиз мутахассисларининг фикрича, чекиш одамзотга қимматга тушадиган энг зарарли одат ҳисобланади. Ҳақиқатан шундай. Чунки унинг оқибатида турли касалликларнинг пайдо бўлиши бор гап. Нимагадир буни балоғат ёшидаги ўсмирлар ўз вақтида тушунавермайди. Катталарга ўхшаб "гапириш", тақлид қилиш, қўлни чўнтакка солиб, сигарет тутатиш... Уларга танбеҳ берсангиз, нақд балога қоласиз. Сизни замондан орқада қолган энг оми одамга чиқаради. Хўш, бунга сабаб нима?

Кунлардан бир кун биз билан ёнма-ён турадиган қўшнимиз ўғлидан нолиб қолди. Унинг айтишича, ўғли кунора жанжал кўтариб, маълум вақт уйдан чиқиб кетар эмиш. Онанинг куйиниб гапиришидан аҳвол яхши эмаслигини англадим. Кўз олдимда эндигина ўн бешга тўлган, жиддий қиёфали, саломини канда қилмайдиган Нодирбек (исмлар ўзгартирилган) гавдаланди. Унинг "гап кўтармайдиган" бўлиб қолишига, ҳатто оиласини ташлаб кетишига нима сабаб бўлди? Орадан кўп вақт ўтмай, Нодирбек билан тўқнаш келиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўраркanман, зимдан уни кузатаман. Ночор аҳволга тушиб қолган, нигоҳларида эса бир умрлик афсус... Унинг гап-сўзидан кўп нарсалар аён бўлди.

Нодирбекнинг ҳикояси:

"Тўғрисини айтсам, айб фақат менда, деб айта олмайман. Лекин ўз ҳаётимни ўзим барбод қилганлигимни тан оламан. Ҳаётда кўп нарсани қўлдан бой бердим. Оиламиз кичик бўлмаса-да, ўзимизга тўқ яшаймиз. Ўн тўрт ёшимдан чекишга ружу қўйдим. Сабаби, маҳалламиздаги бир қизни ёқтириб қолдим. Ота-онам буни сезиб қолишиб, аввалига мени калтаклашди. Менинг ҳиссиётларим, ҳаётга қандай кўз билан қарашим уларни қизиқтирмади. Хуллас, ота-онамнинг танбеҳи менга оғир ботди. Ўша пайтгача ҳеч ёлғон гапирмасдим. Энди уйдагиларни алдаш пайига тушдим. Мактабга, деб уйдан чиқардиму кўчада, пана-пастқам жойларда сигарет чекардим. Уйга кирганимда онам оғзимни ҳидлаб кўрарди. Ҳидни йўқотиш услубини ҳам ўйлаб топдим. Дарахт баргини оғзимга солиб, обдон чайнардим, шунда ҳиди келмасди. Алдовларим узоққа бормади. Мактабга бормаётганлигимни уйдагилар сезиб қолишди. Улар қанчалик қаттиққўллик қилишса, менинг шунча қайсарлигим тутарди. Уйда ҳар куни менинг юриш-туришим муҳокама қилинар, бундан асабим бузиларди. Сигарет мени бу азоблардан қутқарадигандек, яширинча чекишга ўтдим. Буни сезиб қолган дадам мени уйдан ҳайдади. Қувончим теримга сиғмай, кўчага отилдим. Ана энди мен орзу қилган мустақил ҳаёт бошланганди... Афсуски, бу кўпга чўзилмади. Кечқурунлари кўп қаватли уйларнинг подъездларида ухладим. Ахийри бу хорликка чидолмай, ота-онамнинг олдига ялиниб бордим. Энди ҳеч қачон чекмаслигимни айтиб, ялиниб ёлвордим. Улар мени кечиришди. Бир оз вақт ўтгач, кўчада тунаган кунларим унут бўлди. Яна чекдим! Мени одам қиламан, деб елиб югурган ота-онамнинг насиҳатларини яхшиликка эмас, ёмонликка йўйдим. Ўзимча эркинликни орзу қилибман. Қанчалик ноҳақ эканлигимни энди англаб етдим".

Ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб улгурмаган йигитчанинг бунчалик афсус билан гапириши сизни ҳам таажжубга солиши, табиий. Тўғри, у ўз ишидан, рисоладагидек бола бўлолмаганидан афсусда, лекин катталар ҳам ўз навбатида уни тушунишга ҳаракат қилишлари лозимлигини улар ҳис қилишармикан...

Ўсмирлар руҳиятидаги бундай ҳолатларни руҳшунос Мадина Шукурова қуйидагича изоҳлади:

*— Фарзандни тарбиялаш, уни баркамол инсон қилиб вояга етказиш, баъзилар ўйлаганчалик, осон иш эмас. Ўсмир балоғат остонасида ҳаётни ўз қаричи билан ўлчайди, ортиқча ҳиссиётга берилади. Бу 14-15 ёшдаги барча йигит-қизларда учрайдиган ҳолат. Ана шу даврда кўп ўғил болаларда тамаки чекишга интилиш кузатилади. Улар сигарет чекишнинг зарарли томонларидан кўра, олифтагарчиликнинг бир кўриниши сифатида қабул қилишади. Фарзанднинг бундай ҳолатдан чиқиб кетиши, аввало, ота-онага, кейин мактабдагиларга боғлиқ. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ёшдаги йигит-қизларни уриш, сўкиш ёхуд ортиқча танбеҳ бериш яхшиликка олиб келмайди. Ота-она фарзанди билан иложи борича дўстона муносабатда бўлишлари зарур.*

Тўғри, фарзанд ва ота-она ўртасида дўстона муносабат бўлиши керак. Халқимизда ахир, болани беш ёшгача подшо бил, яъни унинг эркалигу шўхликларини кўтар, 16 ёшгача қулга муносабатда бўлгандай бўл, яъники, унинг юриш-туриши, ўқишини назорат қилиш билан бирга ўсмирлик даври ҳолатларини тўғри тушунтириб, кўмак бер, 17 ёшдан эса унга тенгдош, дўст бўлиб, фикрларига қулоқ солсанг ва ҳурмат қилсанг, бу бола ҳаётда ўз ўрнини топа олади, деган гап бежизга айтилмаган. Оилада ана шундай муҳит тўғри шаклланса, фарзандлар "рэп"ча кийимларни кийишга интилмайди, одатий эҳтиёж учун чекмайди, ўзларини ёмон иллатлардан сақлайди, аниқроғи, олифтагарчилик қилишмайди. Буни англаш ва шу ўринда ҳис ҳам қилиш керак, бизнингча.

**Зиёда АШУРОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



# «Кўксимдаги зангорларим»

**Таниқли шоир Сирожиддин Саййиднинг янги китоби шундай номланган. "Маънавият" нашриётида чоп этилган тўпламда ижодкорнинг кейинги йиллардаги шеърий битиклари жой олган.**

*Шеърларни ўқиркансиз, ташбеҳларнинг ўта нозиклиги, оҳангларнинг самимийлиги сизни мафтун этади. Ватан, меҳр, севги, оқибат сўзларини ишлатмай, бу туйғулар ҳақида сўзлаш ҳар қандай ижодкорнинг қўлидан келавермайди, албатта.*

*Бугуннинг зукко ўқувчисига ижодкор сифатида манзур бўлиш осон эмас. Зеро, тафаккури, онги, дунёқараши бундан ўн-ўн беш йил олдинги китобхондан фарқ қиладиган ҳозирги замон ўқувчилари учун сийқаси чиққан гап эмас, балки уларни янада олдинга етаклайдиган янги гап, теран фикр зарур.*

*Мутолаа*

*"Менинг ҳикматларим нодонға айтманг, баҳосин йўқ қилиб қадрини сотманг", деган экан Аҳмад Яссавий бобомиз. Изоҳ талаб қилмайдиган бу сўзлар замирида яна бир ҳақиқат бор. Яъни, Ҳазрат ҳеч қачон ҳиссиз фикрларни қоғозга туширмаган. Шунинг учун ҳам унинг ҳикматлари неча асрдирки, яшаб келмоқда. Ижодкорларимизга ана шундай саодат насиб этишини тилаган ҳолда, умид қиламизки, "Кўксимдаги зангорларим" тўпламидаги шеърлар қалбида яхши гапга, самимий эътирофга жой бор китобхонлар учун ҳақиқий туҳфа бўлади.*

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**








ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

*қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:*

| | |
|---|---|
| КАФЕДРА МУДИРИ, ПРОФЕССОР: | мусиқа назарияси (1), оркестр дирижёрлиги (I), махсус фортепиано (1). |
| ПРОФЕССОР: | мусиқа назарияси (2), камер мусиқаси (2), хор дирижёрлиги (1), оркестр дирижёрлиги (1), концертмейстерлик маҳорати (1). |
| ДОЦЕНТ: | мусиқа назарияси (3), мусиқа тарихи (2), торли чолғулар (1), махсус фортепиано (3,5), оркестр дирижёрлиги (1), ижтимоий-сиёсий фанлар (1), умумий фортепиано (3), консертмейстерлик маҳорати (2), хор дирижёрлиги (1), эстрада хонандалиги (1), эстрада чолғу ижрочилиги (1). |
| КАТТА ЎҚИТУВЧИ: | мусиқа тарихи (1), дамли чолғулар (1), эстрада хонандалиги (0,5 ўриндош), мусиқий педагогика (1,3), ўзбек халқ чолғулари (1), академик хонандалик (1), мусиқий шарқшунослик (2), торли чолғулар (1), ижтимоий-сиёсий фанлар (1). |
| ЎҚИТУВЧИ: | махсус фортепиано (1). |

Манзил: 700027, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 1-уй, кадрлар бўлими.
Телефон: 144-94-51, 144-95-08.

*Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.*





## «Меҳр» ҳамкорликка чорлайди

**Андижон вилоятида яна бир нодавлат нотижорат ташкилот фаолият кўрсата бошлади. «Меҳр» деб номланган уюшма барча ўрта мактаблардаги ўқув жараёнларини яхшилаш учун ота-оналар қўмиталарини бирлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шунингдек, уюшма мактаб, лицей, мактаб-интернат, гимназия, мактабгача тарбия муассасаларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашни режалаштирган. «Меҳр» уюшмаси халқ таълими соҳасига бюджет маблағларини йўналтириш ва ҳомийлар топиш учун давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатади. Шу мақсадда уюшма қошида «Таълим тизимини ривожлантириш жамғармаси» тузилди.**

**К. НИЗОМОВ,**
**«Туркистон-пресс».**


Организация реализует со склада в Ташкенте:

КАБЕЛЬ
(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТПП, ПВ, АПВ, ППБН, ПУНП и т.д.)
(ААШВ, (АСБл)-10 от 3х95 до 3х240.)

ЭЛЕКТРООБОРУДОВАНИЕ
(ЯЧЕЙКИ, ТРАНСФОРМАТОРНЫЕ ПОДСТАНЦИИ, ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРЫ)

СВЕТИЛЬНИКИ
(ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ и т.д.)

ЛАМПЫ
(ЛД, ДРЛ, ДНАТ и т.д.)

ВОЗМОЖНЫ КОНТРАКТНЫЕ ПОСТАВКИ ИЗ БЛИЖНЕГО И ДАЛЬНЕГО ЗАРУБЕЖЬЯ ПО ВАШЕМУ ЗАКАЗУ

700015, г. Ташкент,
ул. Нукусская, 29 д,
дом быта "Узбекистан", 5-й этаж.
Т./ф.: (998 71) 136-01-54, 133-12-84.
E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига! Товар сертификатланган




РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.

Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.





Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси меҳнат фахрийси **Солижон МАМАРАСУЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Оролни Қутқариш Халқаро жамғармаси GEF агентлиги Республикада хизмат кўрсатган ирригатор **Солижон МАМАРАСУЛОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, дўст-биродарларига ҳамдардлик билдиради.

Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби қўмита бошқарма бошлиғи ўринбосари Зафар Азизович Абдуллаевга онаси **Мунаввара ая МИРЗАЁҚУБОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 063. 30475 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Ⓣ-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.10 23456